

У.Х.Мавлянова - ТошДШИ,
“Хитой тили ва адабиёти” кафедраси
катта ўқитувчиси

ХИТОЙ ТИЛИДА ЎНЛИК СОНЛАРИ: МИҚДОР ВА СИФАТ КАТЕГОРИЯСИ

Аннотация. Мазкур мақола хитой тилида сонларнинг умумий семантикасига бағишланган бўлиб, илк босқичда сонларнинг пайдо бўлишига культурологик сабаблар, сифат” ва “миқдор” категорияларининг диалектик умумийлиги (бирлиги) сонлар номланишининг категориал семантикасида ҳам ўз аксини топиши, қадимги хитой башорат ёзувлари, яъни иньлар (қадимги хитойликларнинг номи) ёзувининг ўнликларда ҳисобни ва фақат сонларнинг биринчи синфида амалга оширишганлиги ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, хитой тилидаги ҳисоб сўзлар сон семантик майдонининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиши ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар ва иборалар: Хитой, семантика, сон, ҳисоб сўзлар, фалсафа, математика, жадвал, белги.

Аннотация. Эта статья посвящена общей семантике чисел в китайском языке, диалектической общностью количественных категорий качества, количества и качества на первом этапе, также отражению в категориальной семантике числового наименования древнекитайских пророчеств “инских “ надписей (название древнекитайского языка) которые , считаются, что были засчитаны в десятичных разрядах. В то же время было проанализировано, что количество китайских слов является важным компонентом числового семантического поля.

Ключевые слова и выражения: китайский язык, семантика, числа, классификаторы, философия, математика, диаграммы, символы.

Annotation. This article is devoted to the General Semantics of numbers in the Chinese language, the causes of the culturological emergence of numbers in the first

stage, the dialectic commonality (unit) of the categories of "quality" and "quantity" are also reflected in the category semantics of the naming of numbers, the ancient Chinese prophetic notes, that is, the writing of inls (the name of the ancient At the same time, the calculation of the Chinese language analyzed the calculation of an important component of the numerical semantic field of words.

Keywords and phrases: Chinese, semantics, number, classifiers, philosophy, mathematics, table, sign.

Маълумки, сон фалсафий ва математик нуқтаи назаридан анчагина кенг абстракцияни намоён қилади, чунки унда “сифатловчи белгиларидан четлашган ҳолда предметлар кўплигининг миқдорини акс эттиради: Масалан, 五 “беш” сони турли предметларнинг мажмуасини ифодалаши мумкин: олмалар, гуллар, шаҳарлар, хис-туйғулар, давлатлар ва ҳ.к.”. Ва “бир-бирига тенг барча кўпликларда битта умумийлик, эҳтимол, сон бўлади”¹. Шу билан бирга сон тушунчасининг мураккаблиги ва қарама-қаршилигини таъкилаган ҳолда, Бодуэн де Куртенэ “ҳар қандай сифат миқдорга таянади, чунки предметларнинг бир-биридан сифат жиҳатидан фарқланишлар, бир томондан, муайян бир таркибий унсурларнинг мавжудлиги, иккинчи томондан эса – бошқа унсурларнинг йўқлигига асосланади”².

Миқдор ва сифат семантикаси ўзаро боғлиқлигини нафақат файласуфлар, балки тилшунослар томонидан ҳам қайд қилинган. Гегельнинг миқдор категорияси сифат ғоясидан холи эмаслиги тўғрисидаги фикрини шарҳлаб, Л. Д. Чеснокова шундай ёзади: “Масалан, 4 ва 5 сонлари ўртасидаги фарқлар уларнинг миқдоридаги сифатловчи фарқидан иборат: “тўрт” – тўртта birlikни бирлаштиришдан иборат сифатни ўз ичига олган бу муайян миқдорнинг номи бўлиб, бешта birlikни бирлаштиришдан иборат сифатни ўз ичига олган “беш” сонидан фарқ қилади; 4 ва 5 ўртасидаги миқдор-сифат фарқи битта birlikка

¹ Горский Д.П. Начальный этап формирования понятий о количественных и порядковых числах. М., 1961, 226-227-б

² Бодуэн де Куртенэ И.А. О смешанном характере всех языков. М., 1963, т. 2, 313-б

тенг. Миқдорий ва сифат тавсифларнинг умумийлиги (бирлиги) айнан шундан ташкил топади”³. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқотчи миқдорни ифодалашда сифатлашнинг қуйидаги иккита турини ажратади – ички ва ташқи: муайян миқдорнинг сифати ички маъноси – бу айнан миқдорнинг хусусияти (айнан беш, уч ёки тўрт эмас); ташқи сифат тавсифи – бу ҳисобнинг объектларига ишорадир (“бешта китоб”, икки маротаба кирди” каби бирикмаларда олмалар эмас, айнан китоблар саналади; турли иш-ҳаракатлар эмас, балки “кирмоқ” ҳаракати).

Айтиш мумкинки, “сифат” ва “миқдор” категорияларининг диалектик умумийлиги (бирлиги) сонлар номланишининг категориал семантикасида ҳам ўз аксини топади: “бир”, “қўп”, “олтмиш”, “бир юз” ва ш.к. тушунчаларнинг бирлиги миқдорни ифодалашдаги умумий ғоясига таянади, бу ғоянинг ўзи эса, мазкур сўзлар гуруҳининг сифат белгисидир. Бундан ташқари сон бирликлари орасидаги миқдорий фарқлар маиший онг томонидан сифатдаги фарқлар деб қабули қилиниши мумкин: олти бешдан *кўпроқ*, лекин еттидан *камроқ*, ўнта тухум бештадан *кўпроқ*.

Эҳтимол, сонни сўз орқали ифодалашнинг энантиосемиклиги муайян сўзлар гуруҳидаги лингвокультурологик коннотацияларнинг асоси (боши) бўлиши мумкин. Сон ғояси эса инсоният маданиятидаги чуқур илдизларга эга.

Турли халқлар қадимги афсонларида сонларнинг пайдо бўлишида худолар ва қахрамонлар номлари билан боғланар эди. Масалан, қадимги юнонликлар сонларни уларга Прометей берган деб ўйлашган. Бабилликлар ушуб нарса учун яримодам-яримбалиқ Оаннесни, мексикаликлар эса – патли илон Кецалькоатльни улуғлашар эди⁴. Қадимги Хитойда сонларнинг вужудга келиши қуйидагича талқин қилинади: одамзоднинг аждоди Фу Си учбурчак ёрдамида доира чизиб, унинг ичига 3, 4, 5 томонларга эга иккита учбурчакдан

³ Чеснокова Л.Д. Процесс счета и способы его выражения в современном русском языке. М., 1992, 5-6

⁴ Демпан И.Я. Виленкин Н.Я. За страницами учебника математики: Пособие для учащихся. М., 1989, 16-б.

иборат тўғрибурчакни жойлаштирди. Ушбу сонлар орқали Фу Си борлиқнинг сонли тартибини аниқлаб олган экан⁵.

Эҳтимол, илк босқичда сонларнинг пайдо бўлишига культурологик сабаблар, яъни ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, маиший ҳолати, унинг асосий меҳнати ва дунё ҳақидаги тасаввурлари таъсир кўрсатган. Масалан, атрофдаги оламни “вертикаль” бўйича ердаги, ер остидаги ва самодаги подшоҳликларга бўлган халқларда “уч” сони муқаддас сонга айланган эди. Бошқа халқларнинг тасаввурида эса, олам вертикал бўйича эмас, балки горизонтал бўйича бўлинган, улар дунёнинг тўрт томонини, тўртта “асосий шамол”ни билишган, бу халқларда “тўрт” сони муҳим роль ўйнаган эди⁶. Тахмин қилиш мумкинки, “вертикал дунёқараш” чегараланган ҳудудларда: ўрмонлар, тоғлардан яшаган халқлар, “горизонтал” эса, текислик, водийларда жойлашган элатларга хос бўлган.

Қадимги хитойликларда олам таркибининг модели беш аъзолик тасаввур қилинган: шимол, жануб, ғарб, шарқ, марказда эса – Само ости, шунинг учун ҳам “беш” сони муҳим роль ўйнаган: ҳисоблашнинг беш ўлчамли тизими Курашаётган Подшоҳликлар даври (эр.ав. V-III асрлар)дан муомала киритилган эди⁷. Беш ўлчамли таснифий-нумерологик тизимнинг устунлиги ўша даврдаги бешта унсурли универсал схемаси билан изоҳланади. А. И. Кобзевнинг фикрига кўра, бу схема “бармоқларда санаш, маконни бешта қисм (олд, орқа, чап, ўнг, марказий)га бўлиш, йирик қора молнинг бош суяги ва суякларида беш ўлчамли фол очиш амалиёти каби маданий ҳодисалари билан генетик тарзда боғлиқ эди”⁸.

Олимларнинг тахмин қилишига, соннинг мавҳум (абстракт) тушунчалари бир неча босқичлардан ўтган. Одамлар ҳар бир овда ўлдирилган ҳайвонни ёки подадаги қўйни тахтада белги қўйиб, арқонда тугун бойлаб, қопчага тош солиб

⁵ Малявин 2000. Китайская цивилизация. М.2000.23-6

⁶ Делман И.Я. Виленкин Н.Я. За страницами учебника математики: Пособие для учащихся. М., 1989, 16-б.

⁷ Малявин В.В. Китайская цивилизация. М., 2000.317-б.

⁸ Кобзев А.И. Учение о символах и числах в китайской классической философии. М., 1994, 46-б.

ва ҳ.к.ларни ишлатиб, санашни ўрганар эди. Дастлабки босқичда саналаётган кўплик тасодифий характерга эга бўлган. Бироқ, сон бўйича бошқа кўпликлар билан таққосланаётган дастлабки эталонли кўпликлардан энг “қулай” ва табиийси одамнинг қўл ва оёқларидаги бармоқлар эди. П. Лафаргнинг қайд қилишига, “бизнинг тил шундан далолат берадики, инсон узунлик бирлиги учун ўзини қўлини, оёғини, кафтини қўллаган; қўл ва оёқ бармоқлари ҳисоб учун хизмат қилган”⁹. Натижада қўл бармоқларини санашда кўпгина тилларда (шу жумладан, хитой тилида ҳам) ўнли рақамлар тизими ўз аксини топди, аммо баъзи тилларда тўртлик сонлар, ўн икки бармоқли¹⁰ ва бошқа тизимлар сақланиб қолган. Бироқ, бир хил типдаги ҳисоб тизимларида сўзлар ифодасида ҳам айрим фарқларни учратиш мумкин. Масалан, қадимги хитой башорат ёзувларидан маълумки, иньлар (қадимги хитойликларнинг номи) ўнликларда ҳисобни ва фақат сонларнинг биринчи синфида амалга оширишган. Уларнинг энг катта сони 10.000 (*вань*) бўлиб, уни “бутун сон” деб аташган. Шу ердан ҳозирги кунда хитойликлар муомаласида сақланиб қолган “ўн минг йиллик умр” (*万岁 wànsuì*) тилаги тарқалди. Сўнг йирик сонлар ҳам пайдо бўлган, лекин ўн мингликлар тури (разряд)ни ажратиш хитой санок (ҳисоб) тизимининг фарқли жиҳати сифатида бугунги кунгача сақланиб қолмоқда. Қуйидаги жадвал мисолида қиёслаш мумкин:

Тур (разряд) номи	Рақам	Ўзбек тили	Хитой тили
Бирликлар	1	Бир	и (биринчи тон)
Ўнликлар	10	Ўн	Ши
Юзликлар	100	Юз	Бай
мингликлар	1000	Минг	Цянь
ўн мингликлар	10.000	ўн минг	<i>Вань</i>

⁹ Цит. Горский бўйича, 1961, С. 237-б.

¹⁰ Ўтмишда ўн икки бармоқли тизимнинг кенг тарқалганлиги ҳақида қўйидаги фактлар далолат беради: ханузгаа йил 12 ойга, кун (сутка) 24 соатга бўлинади, кундалик ҳаётда биз соатни фақат 12 гача санаймиз, сўнг ҳисобни бошидан бошлаймиз (*соат бир, соат икки*). Идишлар сервизлари 12 та персона (одам)га мўлжалланган, мебель мажмуаси ҳам 12 та стулдан иборат. 12 рақами эртақ ва афсоналарда ҳам урайди (ўн икки бошли аждар, илон ва ш.к.). Депман, Вилекин 1989, С. 12-296.

юз мингликлар	100.000	юз минг	ши вань
миллионлар	1000.000	Миллион	бай вань
ўн миллионлар	10.000.000	ўн миллион	цянь вань
юз миллионлар	100.000.000	юз миллион	и (тўрттинчи тон)
миллиардлар	1000.000.000	Миллиард	ши и

Жадвалдан кўриниб турибдики, хитой тилида нафақат бирлик, ўнлик, юзлик ва мингликлар учун бир сўздан иборат номлар, балки ўн мингликлар учун ҳам шундай ном мавжуд. Ўзбек тилида шу каби сонлар мураккаб ном билан ифодаланади. Шу сабабли юқори разрядли сонларнинг номларида фарқ юзага келади. Ўзбек тилидаги “юз минг” хитой тилида “ўнта ўн минг”, “миллион” сони эса, хитой тилида – “юзта ўн минг”, “ўн миллион” сони – хитойча “мингта ўн минг” кўринишига эга. Шу билан бирга, хитойликлар “юз миллион” сўзини ифодалаш учун оҳанг бўйича бир сонига мос бўлган, лекин талаффуз бўйича бошқа тондаги бир сўзли эквивалентни ишлатишади. Шунинг учун “миллиард” сўзи хитой тилида “ўнта юз миллион” шаклига эга.

Шу каби фарқланиш сон ғоясининг ривожланиши турли маданиятларда бир хил бўлмагани билан изоҳланади. Содда ҳисоб тизимлари бугунги кунда ҳам учратиш мумкин. Масалан, Сахалин ороли ва Амур дарёси қуйида яшовчи нивхларда сонлар саналаётган предметларга боғлиқ. Предметнинг шакли бу ҳолатда муҳим роль ўйнайди, масалан, нивхлар “иккита тухум”, “иккита тош”, “иккита кўрпа” каби бирикмаларда ҳар хил сонларни қўллайдилар. Шунингдек, айрим хабаш қабилалар ҳамда Тинч океан оролларида яшайдиган кичик халқлар бир хил сонни ифодалаш учун ҳар хил сўзларни ишлатади¹¹. Баъзи ривожланган тилларда қадимги ҳисоб тизимларнинг рудиментлари ҳам сақланиб қолган. Масалан, “ибер-кавказ тиллари, хитой тилида сонлар грамматик синфларга мос параллел шаклларга эга; нивх тилида турли синфлар

¹¹ Лингвистический словарь. Из-во. Муравей.М.,1990г., 583-б.

предметлари (жонли, узун, юмалоқ, сузувчи ва ҳ.к.лар)нинг номлари билан қўлланиладиган 26 турдаги сонлар мавжуд”¹².

Сонлар номлари ҳар қандай турдаги предметлар билан ишлатила олиниши даражасига етгунга қадар, яъни сон тушунчаси саналаётган предметлардан бутунлай абстрактлашгунча, инсон тафаккури мураккаб ва узоқ йўлни босиб ўтиши керак эди. Олимларнинг фикрига кўра, кардинал бутун соннинг ривожланиши жараёни “тилда сон кўринишида қайд қилинган абстракт бутун сонлар синфининг эталон кўплик сифатида ажраб чиқиши” билан яқунланади ¹³. Айнан сонлар солиштирилаётган тилларда сондаги семантик майдоннинг ядроси ҳисобланади. Миқдорий маъноларни тилда ифодалаш усуллари хилма-хил бўлиб, тил тизимининг барча босқичларини қамраб олади. Бироқ, ҳар қандай тилда унинг лексик-грамматик тузилиши миқдорлик семантикасини ифодаловчи асосий восита сифатида хизмат қилади. Мазкур категорияга нисбатан хитой тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳам семантик, ҳам формал жиҳатларида намоён бўлади.

Хитой тилида бирлик ва кўплик тушунчаларини ифодалашда грамматик усулар деярли мавжуд эмас. Яъни, айрим тиллардан фарқли ўлароқ хитой тили сон категориясига эга эмас. Одатда, отлар сон билан боғлиқ бўлмаган предмет тушунчаларини ифодалайди, яъни улар бирликдаги предметни ҳам, бир хил предметлар йиғиндиси, мажмуасини ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, *Стол устида китоб (бор) / Стол устида китоблар (бор)* каби гаплар хитой тилига битта ёки бир нечта китоб мавжудлигини кўрсатмайдиган гап билан таржима қилиниши мумкин: (桌子上有书 *zhuōzishàngyǒushū*).

Айтиш керакки, отлар ва кишилиқ олмошлари 们 мен суффиксига эга бўлиб, жамоавий кўплик маъносини ифодаловчи формал восита ҳисобланади. Бироқ, бу суффикснинг қўлланилиши чегараланган: у фақат шахс отлари билан ва жуда кам ҳолатларда – ҳайвонлар ва жонсиз предметлар номлари билан

¹² Лингвистический словарь. Из-во Муравей. М., 1990г., С. 14-б

¹³ Горский Д.П. Начальный этап формирования понятий о количественных и порядковых числах. М., 1961, 339-б.

ишлатилади. Хитой тилида ушбу суффиксинг мавжудлиги сон грамматик категория сифатидами ёки функционал-синтактик, лексик-синтактик категория сифатида талқин қилиниши керакми? Ушбу масала юзасидан бир неча қарама-қарши фикрлар билдирилади ¹⁴.

Турли тилларда грамматикага оид деб, “бу тилларда хабар берилиши лозим бўлган”ни эътироф этишдир ¹⁵. Масалан, рус тилида жонсиз предметларда ҳам жинсни ифодалаш (*камень упал, скамейка упала, дерево упало*), инглиз тилида аниқлик/ноаниқликни ифодалаш (*a letter – the letter*) зарур. Ушбу тилларга (бошқа кўп тиллар каби ¹⁶) бирлик-кўпликнинг фарқланиши хосдир (*письмо-письма, the letter-the letters*). Синтетик тузилишга эга тилларнинг хусусияти шундан иборатки, грамматик маъноларнинг ифодаланиши гапнинг мослашган бўлакларида ҳам, битта сўзнинг шаклларида ҳам такрорланиши кузатилади. Масалан, *Большие столы стоят* гапида кўплик шакли уч марта такрорланган: отда (*стол-ы*), сифатда (*больш-ие*) ва феълда (*сто-ят*) ¹⁷.

Хитой тилида предметларнинг бирлик-кўплигига ишора қилиш ифоданинг зарурий семантик элементи ҳисобланмайди. Яъни, хитой тилида бирлик/кўпликнинг маъновий категорияси грамматик категория эмас. Предметларнинг сонини аниқлаш зарурати бўлганда, бу лексик ва синтактик воситалар ёрдамида ифодаланади: сонлар номлари ва отлар билан махсус санок сўзлар ишлатилади. Гап шундаки, хитой тилидаги барча отлар иккита гуруҳга ажратилади: ўлчов бирликларини ифодайдиган сўзлар ва ўлчов бирликларини билдирмайдиган сўзлар ¹⁸. Биринчи гуруҳдагилар бевосита сонлар билан ишлатилади: 三年 - “уч йил”, 五里- беш метр , 三斤-уч фунт; иккинчи гуруҳдаги сўзлар сон ва отлар ўртасига ўлчов бирлигининг махсус

¹⁴ Солнцев 1957, С. 98-99; Коротков 1968, С. 284-285].

¹⁵ Плуноян “ Числительные в китайском языке” М.,Из-во Муравей .1996, С. 108

¹⁶ Муқаррар грамматик универсалиялар каторига қуйидагиси киритилади: агарда тилда жинс ва келишик бўлса, демак сон ҳам мавжуд [Қар.: Широкова 2000, С. 86].

¹⁷ Широкова 2000, С. 104; Реформатский 1998, С. 314].¹⁷

¹⁸ Хитой тилидаги отларнинг ўлчов бирликларни билдирувчи ва билдирмайдиган гуруҳларга ажратиш инглиз тилидаги отларнинг саналиши мумкин ва саналмайдиганларга бўлиниши билан таққосласа бўлади, бу “бир-биридан анча узоқ бўлган тиллар грамматик тизимида умумий жиҳатларнинг мавжудлиги”дан далолат беради [Баранникова 1973, С. 241].

белгисини талаб қилади: 一斤肉 -бир фунт гўшт, 一个人-битта (дона) одам), 五个人-бешта (дона) одам. Л. И. Баранникованинг фикрига кўра, хитой тилидаги отлардона предметлар ёки бўлинган (тақсимланган) кўпликни, балки алоҳида предмет ажратилиб олинаётган предметларнинг бутун бир синфини ифодалайди. Яъни, хитой тили тафаккурида предмет типик, предметлар синфининг вакили, аниқроғи, предметларнинг бутун синфи сифатида фарз қилинади¹⁹. Ва айнан ҳисоб сўзлар сонлар билан биргаликда ушбу бутуннинг “ажратувчи” элемент (унсур)ларнинг вазифасини бажаради. Шундай қилиб, хитой тилидаги ҳисоб сўзлар сон семантик майдонининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Лингвистик энциклопедик луғат Шимолий Америка ва Жанубий-Шарқий Осиё қатор тилларига хос бўлган ҳисоб (нумератив) классификаторларни сўзларнинг алоҳида, ўзига хос турга ажратади. Уларни от синфлари билан қиёслаб, ҳисоб классификаторларнинг нисбатан кам бўлган грамматикалашиш даражасини, шунингдек уларнинг нотаксономик хусусияти (характери)ни белгилашади: “улар отларни статик (турғун) синфларга тақсимламайди, отнинг у ёки бу синфга тегишлилиги барқарор ва ҳар бир иборада формал ифодаланиши шарт эмас, улар фақат сон билан келган махсус ҳисоб конструкция (таркибот)ларда ифодаланади. Бундай таснифнинг семантик асослари одатда аниқ белгиланмаган (шакли, ҳажми, консистенцияси, предметларнинг жойлашуви); мазкур тасниф кўпроқ лексик ҳисобланади ва сон категориясидан ташқарида намоён бўлади”. Шу билан бирга ҳисоб-таснифий тизим муайян сўзлар гуруҳлари билан турғун ҳолатда ишлатилса, от синфларининг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади. Хитой тили ривожланган классификаторлар тизимига эга тиллар қаторига киради. А. И. Кобзевнинг таъкидлашича, классификаторлар ёки ҳисоб сўзларнинг мавжудлиги “оламга таснифий (классификацион) назар ташлаш хитой тилининг

¹⁹ Айтиб ўтиш жоизки, бутуннинг қисми (алоҳида эмас, балки ажратиб олинган ҳолда) сифатида бирликни англаш – предметни ҳам, шахсни ҳам – анъанавий хитой маданиятининг константаларига тегишли. Бу ерда ҳар доим инсонга ўзича эмас, балки оила ва жамиятдаги ўрни ва вазифаларига кўра баҳо берилган. “Хитой тилида Европадан фарқли ўлароқ, фамилия белгиси атоқли (берилган) исмдан олдин келиши: аввал қабила (сулола), сўнг одам исмининг келиши тасофдифий эмас” [Очерки... 1997, С. 76].

ўзида шаклланганлиги” билан боғлиқ²⁰. Шу нуқтаи назардан классификаторлар лексик-грамматик синфи ўзига хос дунёқарашнинг воситаси сифатида намоён бўлади, яъни миллий дунёқарашнинг лингвистик (лингвомаданий) белгиси ҳисобланади. Маълумки, кўпгина тилларда ўзига хос бўлган *дона*, *жуфт*, *бош* (хайвонларга нисбатан), *жон* (одамларга нисбатан) каби сўзлар мавжуд. Хитой тилида ҳам бундай сўзлар “биринчидан, дунё тавсифини бутунлай қамраб оладиган тизимни яратади, иккинчидан, уларнинг ишлатилиши факультатив тарзда эмас, балки доимо зарур бўлади, учинчидан, сон ифодаси билан узвий боғлиқ ҳолатни юзага келтиради, чунки сон грамматик категориясининг йўқлиги тегишли маълумотни лексик жиҳатдан ифодаланишини талаб қилади”⁸

8 Олим хитой тилидаги классификаторлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши “нумерологиянинг эксплицит ифодаланган универсал (умумий) методологиянинг шаклланиши” билан боғлайди .

Ҳозирги замон хитой тилида ҳисоб сўзларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг аниқ миқдори ҳақидаги маълумотлар манбаларда турлича келтирилади. Ушбу масала бўйича А. И. Кобзев ва француз тадқиқотчиси М. Койоларнинг фикри бир хил бўлиб, янги эрагача ҳисоб сўзларнинг сони 10 та, III-VI асрларга келиб эса, уларнинг сони 141 тани ташкил қилган. М. Койонинг фикрига кўра, ҳозирги замон хитой тилида туб классификаторларнинг (метрологик терминларга яқин сўзлар бундан мустасно) миқдори 84 та тенг, шу жумладан, 75 таси қадимги сўзлар. Ҳисоблар асосида у шундай хулосага келадики, “охирги бир ярим-икки минг йиллар давомида хитой тилини асл билувчи (тил эга)лари 80-140 та ҳисоб сўзлардан ташкил топган классификаторлар тизимидан фойдаланишади”²¹ .

Машҳур хитой тилшуноси Ван Лининг “Хитой тили тарихи” китобида хитой тилидаги ҳисоб сўзларнинг Цинь сулоласи даврида пайдо бўлгани (эр.ав. 221-206 йй.), Хань сулоласидан кейинги (эр.ав.206 – эр.220 йй.) даврда ривож топгани ҳамда ўша даврларда бу сўзларнинг камдан кам ишлатилиши

²⁰ Кобзев, 1994, 36-б

²¹ Кобзев, 1994, с. 38-б

тўғрисида маълумотлар топиш мумкин²². Ҳозирги замон хитой тилида ҳисоб сўзларнинг умумий сони 600 га яқинлашади, бироқ. Кенг тарқалганларнинг сони анча камроқ²³.

Хитой грамматикасида классификаторлар мавқеи ва морфологик тегишлилиги борасида ҳанузгача ягона фикр мавжуд эмас. Бу ерда бир нечта баҳс-мунозарали жиҳатлар юзага келган. Биринчиси: классификатор алоҳида сўзми ёки уни сўз, морфеманинг қисми сифатида эътироф этиш керакми? Иккинчиси: агарда классификаторлар – морфемалар эмас, сўзлар бўлса, унда улар алоҳида сўз туркуми ёки бундан йирикроқ қайсидир лексик-грамматик синф мавқеига тегишлими? Учунчиси: ва ниҳоят, агар улар алоҳида сўз туркуми бўлса, унда бу туркум бош (асосий)ми ёки ёрдамчими? Ушбу саволларнинг ечими ҳали ҳам ягона тизимга келтирилмаган.

Хитойда 1919 йилда маданий революциянинг намойишларидан бири сифатида ўзининг ижтимоий туси (табиати) бўйича янги демократик ҳисобланган “байхуа” адабий тилини тарқатиш йўлида “4 май” ҳаракати бошланган эди. Мазкур ҳаракат умумхитой миллий тилининг замонавий меъёрларини ўрнатишга интилган ва бунинг натижасида замонавий тил материлига асосланган кўплаб грамматикалар яратилди. Бу изланишлар натижасида эса, ҳисоб сўзлар ўзининг мустақил мавқеига эга бўлди. Бундан аввал шу каби сўзлар “ҳисоб сўз”термини деб аталмаган, улар отлар қаторига киритилар эди. Фақатгина 1950 йилдан бошлаб ҳисоб сўзлар ўзига хос сўз туркуми сифатида расмий юритила бошланган.

Хитой олимларнинг аксарияти классификаторларни мустақил сўзлар, деб ҳисоблашади. Масалан, Ли Цзиньси классификаторлани ҳисоб сўзлар қаторига киритади. Люй Шусян ва Чжу Дэси классификаторларни “ёрдамчи отлар” деб аташади²⁴. Хитой грамматикасига оид адабиётларда ушбу синф бирликлари одатда сон юкламалари ёки ҳисоб сўзлар деб номланади, яъни сўзлар қаторига

²² 王力。古代语字典 2000 年 25-27 页

²³ 何仔 汉语语法 北京 2008 年 56 页

²⁴ Горелов В.И. Теоритическая грамматика китайского языка .М.,1998.123-б.

киритилади. Шу билан бирга классификаторларни ярим маъно берувчи суффикслар сифатида талқин қилинишига уринишлар бўлган. Бироқ, классификаторларнинг морфологик моҳияти (табиати)га бўлган бундай қарашлар ўз ифодасини топа олмади. Мазкур бирликлар “лексик жиҳатдан алоҳидалиги (мустақиллиги)ни тўлиқ сақлаб қолиши” ҳақидаги фикрлар анча ишонари бўлган²⁵. Алоҳида (мустақил) бўлиш омили ўз навбатида алоҳида синф сифатида ҳозирги замон хитой тилининг сўз туркумлари тизимига киритилган классификаторларни ёрдамчи сўзлар деб ҳисоблашга асос яратади.

Классификаторлар семантик-функционал жиҳатдан отлар-ўлчов бирликларига яқин туради. Ушбу яқинлик уларнинг генетик қариндошлиги билан изоҳланади. Классификаторлар айнан отлар-ўлчов бирликларидан ҳосил бўлган. Замонавий хитой тилида лексик бирликлардан ҳосил бўлган баъзи классификаторлар грамматикалашиш юқори даражаси билан фарқ қилиб, шу бирликлар билан ёнма-ён келади. Ёзувда бир хил иероглиф билан ифодаланган иккита сўздан биттаси ўлчов бирлигини ифодаловчи сўз сифатида, иккинчиси эса – классификатор вазифасини бажарувчи ёрдамчи сўз сифатида намоён бўлиши мумкин: 三张纸 (sānzhāngzhǐ) уч варақ қоғоз, 三张桌子 (sānzhāngzhuōzi) учта стол. Биринчи мисолдаги сўз – 张 (zhāng) варақ – ўлчов бирлигини ифодалаётган от. Иккинчи мисолдаги 张 (zhāng) эса – очик, теккис сатҳли предметнинг синфига ишора қилувчи классификатор.

Ўлчов бирлигини ифодаловчи туб (маъно берувчи) сўз ўзига аниқловчини орттириши мумкин; классификатор эса, ёрдамчи сўз вазифасида келиб, ушбу хусусиятга эга эмас: 三张大纸 (sānzhāngdàzhǐ) учта катта варақ қоғоз, 三张大桌子 (sānzhāngdàzhuōzi) учта катта стол; 一把大椅子 (yībǎdàyǐzi) битта катта стул.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, сонни сўз орқали ифодалашнинг энантиосемиклиги муайян сўзлар гуруҳидаги лингвомаданий коннотацияларнинг асоси бўлиши мумкин. Сон ғояси эса инсоният маданиятидаги чуқур илдизларга эга.

²⁵ Горелов В.И. Теоритическая грамматика китайского языка .М.,1998.67-6.

Хитой тилида нафақат бирлик, ўнлик, юзлик ва мингликлар учун бир сўздан иборат номлар, балки ўн мингликлар учун ҳам шундай ном мавжуд.

Бирлик ва кўплик тушунчаларини ифодалашда грамматик усулар деярли мавжуд эмас.

Миқдор ва сифат семантикаси ўзаро боғлиқлигини нафақат файласуфлар, балки тилшунослар томонидан ҳам қайд қилинган.

Ҳисоб сўзлар (классификаторлар) – хитой тилидаги ёрдамчи сўзларнинг ўзига хос синфи, деб эътироф этилади. Уларнинг асосий вазифаси – от қайси маъновий категорияга тегишлилигини кўрсатишдан иборат. Бу маъновий (маънони ифодаловчи) категория муайян от ифодалаётган предметга хос у ёки бу белгидан келиб чиқиб аниқланади.